

«Сенда бирор нарса борми? Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда қаттиқ очлик кўрдим», дедим. Бас, у менга ичида бир соъ арпа бор халта олиб чиқиб берди. Бизнинг бир дона кичкина совлиқчамиз бор эди. Мен уни сўйдим. У арпани янчди. Мен ишимни битирганимда, у ҳам ишини битирди. Мен у(қўй)ни майдалаб, декчага солдим. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон қайтдим. Шунда у:

«Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга у зот билан бирга бўлганларни ҳам олиб келиб, мени шарманда қилмагин», деди. Мен бориб, у зотга пичирлаб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, кичкина ҳайвончамиз бор эди, сўйдик. Бир соъ арпани янчдик. Ўзингиз бир оз кишиларни олиб, марҳамат қилинг», дедим.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй аҳли хандақлар! Албатта, Жобир маросим қилибди. Тезроқ юринглар!» деб қичқирдилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен боргунча декчангизни зинҳор туширмай ва хамирингизни нон қилмай туринглар», дедилар.

Мен келдим. Мен билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам одамларни эргаштириб келдилар. Хотиним мени кўриши билан «Ундай бўлгур, бундай бўлгур!» деди. Мен унга:

«Мен сен айтганини қилдим», дедим. У ул зотга хамирни олиб чиқиб берди. Ул зот унга туфладилар ва барака тилаб дуо қилдилар. Сўнгра декчамизни қасд қилдилар. Унга ҳам туфуриб туриб, барака тилаб дуо қилдилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир нон қилувчи аёлни чақиргин, сен билан у ҳам нон қилсин. Декчадан қуявер, уни туширманглар», дедилар. Улар мингта эдилар. Аллоҳ номи ила қасам ичаманки, батаҳқиқ, ундан тўйгунларича едилар ва қайтиб кетдилар. Декчамиз аввал қандай бўлса, худди ўшандоқ тўлиб турар ва хамиримиздан аввал қандай бўлса, худди ўшандоқ нон қилинар эди».

Бухорий ривоят қилган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди